

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-июнда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1530,2 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди, шундан 237,4 млрд. сўми хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қўйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>1530,2</b>	<b>83,8</b>	<b>100</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>219,9</b>	<b>53,1</b>	<b>14,4</b>
бюджет маблағлари	84,0	122,4	5,5
давлат мақсадли фонд маблағлари	17,3	26,6	1,1
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	12,5	91,3	0,8
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	106,1	41,4	6,9
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>1310,3</b>	<b>93,1</b>	<b>85,6</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	616,3	110,8	40,3
аҳоли маблағлари	254,2	82,2	16,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	131,2	76,5	8,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	308,7	83,6	20,2


2017 йил январь-июнда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби күйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>1530,2</b>	<b>120,9</b>	<b>1409,3</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
курилиш-монтаж ишлари	47,6	5,5	42,1
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	46,3	2,0	44,3
бошқа ҳаражатлар	6,1	0,4	5,7

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби бўйича қурилиш-монтаж ишларига 729,2 млрд.сўм машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозларга 708,1 млрд.сўм ва бошқа ҳаражатларга 92,9 млрд.сўм қийматдаги инвестициялар киритилди.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қўидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## **Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2017 йил январь-июнда умумий майдони 345,8 минг кв.м. бўлган 2607 та уй-жой шу жумладан, қишлоқ жойларда 298,4 минг кв.м. уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 298,8 млрд.сўм ёки 75,4 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 9,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,5 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 72,6 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 1,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестиацияларнинг 0,5 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестиацияларнинг 10,9 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 22,2 км узунликдаги ичимлик суви ишга туширилди. Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 1612,1 млн.сўм қийматдаги инвестиациялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-июнда 720,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 102,5 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 73,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 11,8 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 14,6 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 72,6 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 687,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,5 фоизни (2016 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 105,5 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича курилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган курилиш ишлари тақсимоти қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида


2016 й.

январь-июнь



2017 й.

январь-июнь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари